

## ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА ПРЕЗУМПЦИЯЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**Собиров Илхом Собирович**

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси  
магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18015622>

**Аннотация:** Мақолада жиноят процессуал ҳуқуқда ҳуқуқий презумпциялар, айбсизлик презумпциясининг назарий ва амалий аҳамияти, қонун нормаларининг аниқ ва бир хил талқини, ички ишончи ва инсоф асосида далилларни баҳолаш механизмлари ҳамда ҳуқуқий презумпцияларни қонунчилик ва илмий манбаларда кенг ёритиш зарурати таҳлил қилинган.

**Аннотация:** В статье анализируются правовые презумпции в уголовно-процессуальном праве, теоретическое и практическое значение презумпции невиновности, точное и единообразное толкование норм закона, механизмы оценки доказательств на основе внутреннего убеждения и совести, а также необходимость широкого освещения правовых презумпций в законодательстве и научных источниках.

**Abstract:** The article analyzes legal presumptions in criminal procedural law, the theoretical and practical significance of the presumption of innocence, the precise and uniform interpretation of legal norms, the mechanisms for evaluating evidence based on inner conviction and conscience, and the need to widely cover legal presumptions in legislation and scientific sources.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқий презумпция, айбсизлик презумпцияси, жиноят процесси, ички ишонч, инсоф, қонунчилик, далилларни баҳолаш.

**Ключевые слова:** правовая презумпция, презумпция невиновности, уголовный процесс, внутреннее убеждение, совесть, законодательство, оценка доказательств.

**Keywords:** legal presumption, presumption of innocence, criminal procedure, inner conviction, conscience, legality, evidence assessment.

Ҳуқуқий презумпциянинг айрим турлари мазмунини жиноят-процессуал қонунчиликнинг айрим камчиликларини аниқлаш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш имконини беради. Жиноят процессининг хусусиятига кўра презумпцияларни имкон қадар батафсил ва аниқ белгилаш зарур. Сабаби, амалиётчиларнинг кўпинча норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан чекланиб қолаётганлиги, назари манбаларга кўпинча мурожаат қилинмаслиги, қабул қилинган қарорлар (ҳукмлар)да назарий манбаларга ҳавола қилинмаслиги буни тақозо

қилади. Барча қоидаларнинг аниқ ва равшан тартибга солиниши ҳамда бир маънода талқин этилиши жинойт процессининг бош мақсади - жамиятда адолат ўрнатилишига зиён етказган ҳолда ишни тезроқ тамомлаш йўлидаги эҳтимолий “янглишишлардан” сақлайди.

Барча юридик тахминларни аниқ тартибга солиш ҳаётий заруратдир. Жинойт процессида ҳуқуқий презумпциялардан фойдаланиш бўйича бир қатор қарама-қарши фикрлар мавжудлиги сабабли, уларни мустақамлаш жараёни, айниқса, бутун тармоқ ва унинг алоҳида институтларининг қурилишига таъсир қилувчи презумпциялар қийин кечмоқда. Бугунги кунда баъзи муаллифлар бевосита қонунда уни очиб берадиган аниқ меъёрий қоида мавжуд бўлмагунча, «презумпция» тушунчасидан инсон тушунарсииз тарзда воз кечишни таклиф қилмоқдалар<sup>1</sup>. Бошқалар, бутун аҳолини таништиришга мўлжалланган ҳуқуқий ҳужжатга ҳатто юристлар ҳам турлича талқин қиладиган ва тушунадиган чет тилидаги “презумпция” сўзини киритишга ҳожат йўқ, деб ҳисоблайдилар<sup>2</sup>.

Бироқ, бу атама ҳуқуқда шунчалик кенг тарқалганки, бугунги кунда ундан воз кечиш мақсадга мувофиқ эмас. Айбсизлик презумпцияси, суд қарорининг ҳақиқийлиги, мулкдорнинг ҳақлиги ва бошқа юридик тахминлар умуман ҳуқуқ тизимимизда, фуқаролик муомаласида қўлланилади. Шунинг учун юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликлар ва мулоҳазаларни бартараф этиш йўлидаги, презумпцияларни қонун йўли билан тартибга солиш йўлидаги биринчи қадам уларни ҳар хил юридик луғатлар, маълумотномалар ва энциклопедияларда, кейинчалик эса бошқа луғатларда акс эттиришдан иборат бўлади. Илмий ва ўқув адабиётларида, оммавий ахборот воситаларида презумпциялар ҳақида кўп ва тез-тез ёзилиши керак. Баён этилганлардан келиб чиқадики, бу атамадан воз кечиш мумкин эмас. Акс ҳолда, эртага кўплаб хорижий сўзлар худди шундай танқидга учрайди.

Жинойт процессида қўлланиладиган ҳуқуқий презумпцияларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришни ҳуқуқнинг асосий фаразларидан бири - айбсизлик презумпциясидан бошлаш зарур. Ушбу қоиданинг муайян қоидаларини янада аниқроқ шакллантириш зарурати шубҳа туғдирмайди, чунки унинг пухта ва батафсил тартибга солиниши инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири - шахс эркинлиги ва дахлсизлиги

<sup>1</sup> Смирнов П.В. Неологизмы в уголовном процессе // Профессионал. - М., 1999.С.41-42.

<sup>2</sup> Савицкий В.М. Презумпция невиновности. - М., 1997.. С.24-25

хуқуқини мустақкамлашга имкон беради. Айнан бугун уларга эртага кўпроқ риоя этилишини таъминлаш ҳақида ўйлаш керак. Буюк файласуфлардан бири Д.Дидро қонунлар ва кодекслар ҳозирда ҳокимиятни ўз қўлида ушлаб турган шахслар учун эмас, балки келажак замонлар учун яратилиши керак, деган эди. Бу ҳурматга лойиқ фикрга фақат бир нарсада қўшилмаслик мумкин. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, уларни амалга оширишни кучайтирадиган қонун ва кодекслар бугун яратилиб, зудлик билан ҳаётга татбиқ этилиши керак<sup>3</sup>.

Айбсизлик презумпцияси билан далилларни ички ишонч бўйича баҳолаш боғлиқ. Далилларни баҳолашда ички эътиқод ҳақида турли муаллифлар кўп ва тез - тез гапиришган<sup>4</sup>. Эътиқод ахлоқий категория сифатида шахс ахлоқий фаолиятининг оқилона асоси бўлиб, у ёки бу хатти-ҳаракатни онгли равишда, муайян хулқ-атворнинг зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини оқилона англаган ҳолда амалга оширишга имкон беради. Жиноят-процессуал фаолиятга татбиқан, жиноят судлов ишларини юритувчи мансабдор шахсларнинг ички ишончи ахлоқий жиҳатдан “уларнинг виждон амрига бўйсуншини” англантиши мумкин. Виждон бу шахснинг ички ва ўзи томонидан баҳоланадиган тушунча. Унданда умумий касб этадиган бу инсофдир.

Инсоф – бир вақтнинг ўзида, шахснинг ўз хулқ-атвори учун ахлоқий масъулиятни субъектив англаши, ахлоқий назоратидир. Бу категория инсоннинг ўзи учун ахлоқий мажбуриятларни мустақил равишда шакллантириш, уларни бажаришни ўзидан талаб қилиш ва ўз хатти-ҳаракатларига баҳо бериш қобилиятини тавсифлайди. Инсоф ўз хатти-ҳаракатларининг ахлоқий аҳамиятини англаш, яхшилик ва ёмонлик, адолат, бурч ҳақидаги тасаввурлардан келиб чиққан ҳолда ўз хатти-ҳаракатларини баҳолаш имконини беради. Ким нима деса десин, лекин ҳар қандай одам ўзининг обрўсини, номусини, шон-шуҳратини ўйлайди. Жиноят-процессуал ҳуқуқи мазмунига кўра, судья, прокурор, терговчи ва суриштирувни амалга ошираётган шахс далилларга ишнинг барча ҳолатларини биргаликда ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўриб

<sup>3</sup> Крымов А.А. Правовые презумпции в уголовном процессе. Дисс.... к.ю.н., 1999. С.136.

<sup>4</sup> Қаранг: Азизходжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе (методологический аспект): Дисс. ...канд.юрид.наук. –Т.: ТГЮИ, 1995. С.196; Полянский Н.Н. Оценка доказательств вышестоящим судом в уголовных делах // Советское государство и право. 1951. № 7. С.31; Строгович М.С. Некоторые вопросы теории советского уголовного процесса // Советское государство и право. 1952. № 8. С.22; Ратинов Л.Р. Внутренне убеждение при оценке доказательств // Теория доказательств в советском уголовном процессе. - М., 1973. С.474-484;

чиқишга асосланган ички ишончига кўра, қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилган ҳолда баҳо беради.

Айбсизлик презумпцияси - бу объектив ҳуқуқий ҳолат бўлиб, қонуннинг барча фуқароларга, давлат ва жамоат ташкилотларининг мансабдор шахсларига, умуман жамоатчилик фикрига, терговчи ва бошқа мансабдор шахсларга қаратилган талаби бўлиб, улар жиноят судлов ишларини юритиш вазифаларига эришишга, шу жумладан айбдорларни фош этишга интиладилар. Улар ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган ушбу презумпцияни рад этишга интиладилар.

Жиноий таъқибни амалга оширувчи шахсларнинг, суднинг айбланувчининг айбдорлигига бўлган ички ишончи, гарчи объектив маълумотларга асосланган бўлса-да, ўз табиати ва хусусиятига кўра субъективдир. Буни «иккита бир хил фикр бўлмайди» деган машҳур ибора ҳам тасдиқлайди. Шу билан бирга, ички ишонч ҳисобсиз ёки умуман ўлчовсиз категория эмас, у ишнинг барча ҳолатларини биргаликда ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив кўриб чиқишни ҳисобга олган ҳолда шаклланиши керак, акс ҳолда биз ички ишонч билан эмас, балки иложи борича эҳтимоллий хулоса билан иш кўришимиз мумкин. Ҳар қандай максимал эҳтимоллик эса ҳеч қачон эҳтимоллик бўлишдан тўхтамайди. Аммо унинг муҳим элементлари ҳам қонунни билиш, амалий тажриба ва ҳуқуқий онгдир. Ушбу элементлар йиғиндисиде шахснинг айбдорлиги тўғрисидаги субъектив фикр ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун асос пайдо бўлади.

Бу субъектив фикрнинг қиммати шундаки, усиз иш юритишнинг ҳукм қонуний кучга киргунга қадар бўлган кейинги босқичларини амалга ошириб бўлмайди. Агар процессуал қоида жамият ҳаётининг янги шароитларига мувофиқ зарур тузатишларга дуч келса, бу фикрнинг қиймати янада салмоқли бўлади. ЖПК 95-моддасидаги “Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар” деган қоида бугунги исбот қилиш муносабатларини етарли жаражада қамраб ололмапти десак, қайсидир маънода ҳақ бўламиз. Ушбу нормага “инсоф” этишмаяпти десак, тўғри қабул қиласиз....

Интизомга чақирувчи, шошма-шошарлик ва ўзини оқламаган қарорлардан тийиб турувчи бу тушунча, ўйлайманки, кўплаб хатоларнинг

олдини олишга имкон беради. Инсонга...»сенинг инсофинг йўқ...» дейилса, у ўта бефарқ кўринса-да, бу сўз устида жиддий ўйлай бошлайди. Ушбу бирикма «сенинг ҳуқуқий онгинг йўқ» сўзларидан анча юқори туради, халқнинг минталитети ва оддий инсоннинг дилига бундан таъсир этадиган сўз топиш мушкулдир.

Жиноят процессида ҳаммага маълум бўлган фактларни баҳолаш қоидаларини қонунда мустаҳкамлаш зарурати ҳам кузатилмоқда. ФПК судга кимнингдир ҳодисасини ҳаммага маълум деб эътироф этишнинг юридик кучи, имконияти тўғрисидаги масалани ҳал қилиш ҳуқуқини беради<sup>5</sup>. Унга бундай мақом берилиши суд ёки тарафларни муайян ҳолатларни исботлаш бўйича у ёки бу ҳажмдаги ишдан озод қилади ва бундай фактлар ҳақиқий деб топилади. Исботлашнинг кейинги жараёни, шубҳасиз, фараз қилинаётган ҳолатни рад этиши мумкин. Бундай имконият ҳар доим судда ҳам мавжуд.

Суд жиноят иши бўйича ҳукмнинг ёки бошқа қарорнинг асослантирувчи қисмида факт ҳаммага маълум деб топилганлигини кўрсатади. Жиноят процессуал кодексида суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми билан аниқланган айбланувчининг айбдорлиги тахминларга асосан бўлиши мумкин эмас, деган қоида гўёки барчага маълумдек. Лекин юридик маълумоти бўлмаган учун бор йўғи жарангдор сўз бўлиб эшитилиши мукин.

Айбсизлик презумцияси ҳақидаги айтиш мумкинки, унинг минимал мазмуни ҳақидаги назарий фикрлар ҳам инobatга олинмаганлигини кўриш мумкин. Масалан, исботлаш мажбуриятининг экани кўрсатилмаган. Яъни - **айби** ва гумон таъқиб остига олинган шахсни ҳимоя қилиш учун келтирилган далилларни ва важларни рад этиш шарти билан айбловни (гумонни) расман илгари сурган шахслар томонидан исботланиши шарт, эканлиги очиқ баён қилинмаган.

Юридик фактларнинг ҳаммага маълумлиги суд томонидан фақат икки шарт: объектив - фактнинг кенг доирадаги шахсларга маълумлиги ва субъектив - фактнинг суднинг барча аъзоларига маълумлиги мавжуд бўлгандагина эътироф этилиши мумкин. Ҳал қилув қарорини қабул қилишда суд унинг асослантирувчи қисмида ҳаммага маълум бўлган факт, агар унинг маълумлиги чекланган хусусиятга эга бўлса, шундай деб эътироф этилганлигини кўрсатиши керак. Юқоридагиларни инobatга

<sup>5</sup> Гражданско-процессуальное законодательство: комментарий / Под ред. М.К.Юкова. - М., 1991. С.144-145.

олган ҳолда, худди шундай нормани жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам мустақамлаш мақсадга мувофиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.09.2025 й., 03/25/1084/0874-сон. <https://lex.uz/docs/111460#111495>.
2. Смирнов П.В. Неологизмы в уголовном процессе // Профессионал. - М., 1999.С.41-42.
3. Савицкий В.М. Презумпция невиновности. - М., 1997.. С.24-25
4. Крымов А.А. Правовые презумпции в уголовном процессе. Дисс... к.ю.н., 1999. С.136.
5. Азизходжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе (методологический аспект): Дисс. ...канд.юрид.наук. –Т.: ТГЮИ, 1995. С.196.
6. Полянский Н.Н. Оценка доказательств вышестоящим судом в уголовных делах // Советское государство и право. 1951. № 7. С.31;.
7. Строгович М.С. Некоторые вопросы теории советского уголовного процесса // Советское государство и право. 1952. № 8. С.22.
8. Ратинов Л.Р. Внутренне убеждение при оценке доказательств // Теория доказательств в советском уголовном процессе. - М., 1973. С.474-484.
9. Гражданско-процессуальное законодательство: комментарий / Под ред. М.К.Юкова. - М., 1991. С.144-145.